

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Shovot paxta tozalash" AJ

Объявление

"SHOVOT PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ЭЪЛОН: АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Шовот пахта тозалаш"АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

ХАБАРНОМА

Хурматли акциядор, "Шовот пахта тозалаш"АЖ, Сизга 2024 йил 21 февраль куни соат 11-00да Шовот тумани, Заводчилар кўчаси, 7-уйда "Шовот пахта тозалаш"АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш да қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 15 февраль ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 21 февраль куни соат соат 10-00да бошланиб соат 11-00 гача давом этади.

Сизга акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

- 1."Шовот пахта тозалаш"АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
- 2."Шовот пахта тозалаш"АЖ ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида.
- 3."Шовот пахта тозалаш"АЖ тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2024 йил 31 январь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 15 февраль ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун - нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун - мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан "Шовот пахта тозалаш" акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Хоразм вилояти, Шовот тумани, Заводчилар кўчаси, 7-уй, электрон почта:shovotaj@mail.ru, тел.:
(97)090-18-45.

24.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16710/>

Дата: 25.06.2026